— Serg'ayrat, sertashvish, tinim bilmaydigan M.Turg'unboyeva hayotining, ijodining oxirgi pallasida «Raqqosalar o'z vaqtida sahnadan ketgani durust», degan gaplarni ham eshitgan. Shunda u «Qariydigan ahmoq yo'q, vaqtim ham yo'q!» deb javob berardi...

Muloqot damlari hikmati

РАҚС ВА МУСИҚА БИРЛИГИ

Мукаррама Турғунбоева ижодхонасига бир назар

Халқ артисти Гулнора Маваевадан сўрадим: — «Фарғона рубоийси»га рақс тушганингизда нечун бунчалар ўзгариб кетасиз? Бошқа раққосалар ҳам завқ-шавқ билан шу мусиқадан мамнун бўлиб хиром урадилар. Раққоса, балетмейстер сифатида бу қўйнинг жозиба, эҳтирос уйғотиши сабабини тушунтириб беринг.

Машҳур санъаткор табассум ила тингиб, жавобга ҳозирланди.

— «Фарғона рубоийси»! Қандай гўзал қўй. Маъноли, шўх, шу билан бирга дарди бор шоирнинг кечинмаларини лирик, шоирона бир тарзда бизга етказади. Уни ҳозир куйлаётган килсангиз ҳам жимгина ўтира олмайман. Оёқ, қўл, гавда, елка ўз-ўзидан ҳаракатга келади. Даврага тушиб кетганимни билмай қоламан. Яна икки сири бор бу рубоийнинг. У Ватан ҳақида, олтин водий ҳақида... яна бу рақсга опа — Мукаррама Турғунбоева тушган, уни ўзи саҳнага қўйган. Эҳтимол, шунинг учундир бу рақсга шунчаки тушиб бўлмайди.

Халқ артистлари Галия Измайловага, Машҳура Эргашевага ҳам шу саволни бердим, улар ҳам Фарғона рақсининг мақсадини келтириб, эътиборимизни Мукаррама опага, унинг санъатига, водийга бўлган меҳрини шу рақс билан ифода этишга қаратдилар.

Санъати бутун жаҳонга манзур бўлган ижодкор билан суҳбат қуриш имкони бўлмаганидан афсусланаман. Машқ хонасида, концерт залларида, киностудияда учрашганимизда «Тановар» рақси учун, анъанавий ўзбек рақсининг асл кўринишини сақлаб қолишга хизмат қилиб келган «Баҳор» ансамбли учун миннатдорчилик сўзларини айтганмиз, холос. Ваҳоланки, 40 мавсум, бир-биридан гўзал, сарвқомат қизларга бош-қош бўлиб, саҳналарни гуллаб, кинофильмлар яратилишида иштирок этиб шуҳрат қозонган Мукаррама опанинг ижодидан баҳраманд бўлиб, мушоҳадалари билан танишишга муштоқ эдик. Мукаррама опа йигирма етти ёшида «Асал» бадиий фильмида роль ўйнади, бир эпизодда рақс ҳам тушди, уруш йиллари эса фронтга аталган фильм-концертларда иштирок этди. Жангчиларга ўзбек, уйғур рақсларидан намуналар кўрсатди. Хонанда Ҳурниса Абдуллаеванинг хонадонида бўлган бир тўйда эса Мукаррама опанинг кўз-кўз воқеага бўлган муносабатини кузатиб олқишлаган эдик.

Тўй қизиган бир дамда «Опа келаяпти-ку, йўлни очинг!» деб қолишди. Мукаррама опа эса тўй бўлаётган хонадонга бошлаётган узун «жинкўча»дан рақс тушиб келаётган эди. Бир маромда эшитилиб турган қарсаклар, қийқириқ у киши хонадонга кириб келганида тин олгандек бўлиб, барча ўрнидан турди. Фурсат ўтди. Қизил атлас кийган, сочларини йиғиштириб, тугиб олган опа шўх рақсини давом эттириб ҳаммани, келин-куёвни табриклади, ўртага чиқиб шундай хиром айладики!.. Кимдир қўлидаги пулини раққосага қистирмоқчи бўлди. Дўппи йўқ, қийиқча йўқ, чўнтак йўқ. Пулни қаерга қистиришни билмай ўртада қолиб қолган йигит тўйга келган меҳмонларга кулги уйғотди. Шунда у ақчасини оппоқ кўйлакнинг ёқаси орасига қистириб олишга мажбур бўлиб ноқулай ҳаракат қилди шекилли, раққоса жозибали ҳаракатини тўхтатиб, «Қўлингни торт... » деди-да, кичик бир фасладан кейин «Кубадан» деб қўшиб қўйди. Бу ҳужма ва ҳаракат билан Мукаррама опага қах-қаҳ дарғалари ҳам орзу қиладиган кулгили вазиятни яратди. Гап шундаки, ўша кезлари «Қўлингни торт, Кубадан!» ашуласи кенг тарқалган эди. Деворларга, қизил алвонларга катта ҳарфлар билан ёзилиб қўйилгандик. Бунинг устига ҳовлининг этагида ўтирганларга «Кубадан» сўзи «тугмадан» деб эшитилган чоғи. Натижада «Қўлингни торт тугмадан!» шиорини рақс тушаётган гўзал маликанинг айтиши ҳазил-мутойибадан холи бўлмаган эҳтиросли бир вазиятни вужудга келтирди. Тўйга файз киритган опа бир чеккада иззатталаб бўлиб турмади, қизларни даврага тортди, кичкинагина ансамблга мурожаат этиб, ижро маромини тезлаштирди... Ҳеч кимга пул қистириш имконини бермади.

Тадқиқотлардан, рисолалардан билардим — бу раққоса ҳам Уста Олим Комиловни ардоқли устоз деб билар, унинг сеҳрли доирасининг зарбларида катта сир, маъно борлигини шогирдларига уқтириб борарди. Шу боис, Уста Олим анъаналарини давом эттириш, уларни янги шароитда бойитишдек мураккаб масала Мукаррама опанинг ижодий фаолиятида, ташкилий ишларида марказий ўрин эгаллаган кўринади. У навқирон ёшдаги Қаҳрамон Дадаевнинг ижрочилик техникасини, ритмни ҳис этиб туришини, доирасини бамисоли сайратиб юборишини юксак қадрларди. «Баҳор» ансамблининг машқлари, жаҳон саҳналарида чиқишлари бу истеъдодли санъаткор иштирокида ўтди. Ритмсиз куй бўлмаганидек, ритмсиз рақс ҳам бўлмайди. Барчамизга аён бўлган яна бир ҳақиқат: «Шашмақом» доира усулисиз ижро қилинмаганидек, рақснинг туғилишида, шаклланишида доира зарбларининг (рақс зарблари назарда тутилмоқда)«хизмати»ни инкор этиб бўлмайди. Раққосалар Г.Маваева, Г.Измайлова, хонанда С.Қобуловнинг гувоҳлик беришича, Уста Олим Комилов ҳар бир зарбга, доира усулларига мос келадиган ҳаракатни, яъни рақс унсурларини излаган. Икки қўли доира билан банд бу доирачи имо-ишора билан йўл кўрсатган. Чолғусини чалиб, ўртага тушиб рақснинг композициясини ҳам белгилашга уринган. Машқ қилаётган раққоса эса унга эргашган. Хореографиянинг кўпроқ амалиётига, камроқ назариясига оид бундай мулоҳазалар эски хроникал кадрларни, уруш йиллари суратга олинган кинокончертларни кўриш жараёнида пайдо бўлди. Уста Олимнинг раққосага фақат аниқ ритм бериб туришигина эмас, ўткир нигоҳ, баъзан сезилар-сезилмас табассуми, жиддий қарашлари, бошини қимирлатиб ишора қилиши, норози бўлганида ўрнидан туриб, ўзи ҳам раққосдек бир-икки ҳаракатни кўрсатиб бериши орқали ўйин ёки рақсли спектакль яратиш йўлидан борганлари узун ёки қисқа бўлиш ҳоллари нотада ўз ифодасини топа бошлаганида бўладжак рақсни аввал қоғозда ифода этишни зарур деб билди. Қоғоздаги чизиқларда ҳаракат тури, йўналиши, маъноси билан бирга, унга жўр бўладиган доира зарбларининг баланд-пастлиги, узун ёки қисқалиги, ритми ҳам кўрсатилади. Бу ҳақда бизга маълумотни Светлана Ганиева бердди. Мукаррама опанинг бу севикли келинни яхши танирдим. У Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссаси асосида суратга олинган бадиий фильмда бош рол (Саида)ни ижро этганида учрашиб, кўп мулоқотда бўлганмиз. У киши билан суҳбат қуриш учун Юнусобод марказидаги тўқиз қаватли уйни излаб бордим. Ижод жараёнидан воқиф бўлиб борган Светлана Маҳжидовнадан, аввало, Мукаррама опа устахонасининг бирорта хусусиятини билишни истаб берган қисқагина саволимга батафсил жавоб олдим:

— Мукаррама Турғунбоевани кўпчилик ҳаракатда кўрган. Ҳаракатлари эса ўзига ярашган эди. Назокатли, диди, талаби нозик аёл эди у. Мен унинг қалам, қоғоз олиб қандайдир шаклларни узоқ чизиб ўтирганини кўп кўрганман. Раққосаларнинг шартли ифодалари аввал геометрик нуқтаи назардан тўғри жойлашган бўларди. Сўнгра белгилар(раққосалар) ўзаро ўрин алмашар, баъзан бирлашиб яхлит композицияни ташкил этар, айрим ҳолларда эса бир-бирлари билан тўқнашар, натижада ўзгача саҳна манзарасини яратарди. Бу шакллар, чизгилар, қоғоздаги лойиҳалар кейинчалик — машқ даврида ўзгарар, янада мукаммаллашар, лекин рақс спектаклининг қоғоздаги график ечими балетмейстерга, раққосаларга, дирижёрга, саҳна рассомига аниқ кўрсатма берганига ишонаман. Зеро, унда умумий композиция ҳам, ҳар бир раққосанинг саҳнадаги жойлашуви, ўзини тутиши, қўл, оёқ, гавда ҳаракати кўрсатиларди. Мусиқа ёки чилдирма қандай маромда янграши назарда тутилиб, махсус белгилар билан ҳар бир тактда қандай рақс ҳаракати намоён бўлиши зарурлиги чизиқлар, шакллар билан кўрсатиларди... Кейинги босқичда балетмейстер М.Турғунбоеванинг 40 нафар нозанин қизи чизмада тасвирланган рақсни ҳаракатга келтирарди. Бундай машаққатли кунларда қайнонам ўзига хос хореографик ечим ҳақида ўйларди, «Менинг рақсим бирорта бошқа рақсга ўхшамасин», дерди. Шу мақсад йўлида тиним билмай ишларди.

— Саҳнадан ташқарида, мусиқа ёки доира чалинишини эшитмай туриб чизилган композиция раққосаларни чеклаб қўймасмиди? — Светлана ҳикоясини давом эттиришини истаб атайлаб саволни кескинроқ бир тарзда бердим. — Мукаррама опанинг ўзи «Тановар»га рақс тушаётганида лаби қимирлаб туради. Қўшиқни ҳам айтиб ўйнаган бўлса керак-да!

— Қўшиқ айтиб, мусиқанинг мазмуни ҳақида ўйларди. Мусиқа ва хореография бирлашиб, яхлит асарни ташкил этиши керак, дерди. Мақсадига кўпинча етарди ҳам. Рақслари, балетмейстер сифатида топган ечимлари фақат ёзув столида, «Баҳор» концерт залининг ойнаванд машқ залида, саҳнадагина эмас, анча олдин шакллана борган, деб ўйлайман. Кузатиш, мутолаа қилиш, ўзга юртларнинг балет ва рақсларини доим кузатиб боришини назарда тутаяпман. Якка тушиладиган рақслар ҳам, катта гуруҳ иштирокида яратиладиган хореографик спектакллар ҳам тасаввурида аниқ гавдалангандан сўнг мен тилга олган расмлар, машқлар бошланган. Бу мураккаб жараён, табиийки, импровизацияни инкор этмайди. Буни шогирдлари ҳам биларди. Фикрлашув доимо давом этарди. Жаҳонга танилган балерина Майя Плисецкая Бухоро рақсини Мукаррама опа раҳбарлигида ўрганган ва Лондонда бўлиб ўтган халқаро фестивалда соврин олган. Ўша машқ соатлари ўзбек раққосаси, балетмейстери учун ҳам фойдали бўлган.

— Истеъдодининг сўнгги кўринишларидан хабардор бўлганмисиз?

— Серғайрат, серташвиш, тиним билмайдиган М.Турғунбоева ҳаётининг, ижодининг охирги палласида «Раққосалар ўз вақтида саҳнадан кетгани дуруст», деган гапларни ҳам эшитган. Шунда у «Қарийдиган аҳмоқ йўқ, вақтим ҳам йўқ!» деб жавоб берарди... Умр бўйи чарчашни билмай, жону дили билан рақс тушди. Бунга катта эҳтиёжни сезиб, ҳис этиб турарди. Мукаррама Турғунбоева барчанинг ёдида шундайлигича абадий қолди...

... Сўнгги оқшом кийиниб, йўлга тушди. Дугоналари, ҳамкасбларидан ҳол-аҳвол сўраб қайтди. Ҳамкасби Кумринисо билан хайрлашганини айтганида кўнглим бўшашиб кетди.

1978 йил охирлаб қолган эди...

Ҳамидулла АКБАРОВ

КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИ — ИНСТИТУТДА

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, таълимда узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш ҳамда унинг турлари ўртасида ўзаро интеграция жараёнини жадаллаштириш мақсадида қабул қилинган «Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида ҳамкорлик шартномаси ҳақида»ги 2002 йил 22 январда қабул қилинган 20-сонли буйруққа мувофиқ, 2007 йилнинг 10 декабридан бошлаб Ўрта Чирчиқ тумани саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келади. Бунга кўра, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда коллеж ўқитувчилари биргаликда маъруза матнлари тузишлари, дарслик, ўқув қўлланмалари, услубий қўлланмаларни ҳамкорликда яратишлари, услубий ва амалий ёрдам кўрсатишда бир-бирларидан ўрганишлари керак.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўзидаёқ бир неча ҳамкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, институтнинг «Йигириш технологияси» кафедрасидан бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар, доцентлар С.Матисмоилова, Қ.Ғофуров, Л.Амзаев ва катта ўқитувчи В.Исоқуловлар коллежга ташриф буюришиб, олий таълим муассасаси ва унинг йўналишлари ҳақида маълумот бердилар.

Шунингдек, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари институтда бўлиб «Йигириш технологияси», «Тўқима ва трикотаж технологияси ва дизайн», «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси ва дизайн» кафедралари ҳамда «Сифат маркази», «Талабалар мода театри» билан тўлиқ танишиб чиқдилар.

Ҳамкорлик шу тариқа давом этар экан, коллеж ўқувчиларининг институт ҳаёти билан танишуви ва профессор-ўқитувчиларнинг коллежга тез-тез ташриф буюриши имзоланган шартнома ижросининг амалий тасдиғидир.

Р.АНОРБОЕВА,
Ўрта Чирчиқ туманидаги саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи сервис бўлими мудири

ИККИ ҚАҲРАМОННИНГ ТЎЙИ

Низомий номидаги ТДПУ Ўзбекистон Қаҳрамонлари Ибройим Юсупов ва Тўлепберган Қаипбергановлар таваллудининг 80 йиллиги тантанали нишонланди.

Шундай ижодкорлар бўладики, уларнинг яратган асарлари тириклик чоғидаёқ ўз юртидан ошиб чиқиб, жаҳон халқларининг маънавий мулкига айланади.

Қорақалпоқ халқининг севимли шоири Ибройим Юсупов(1929—2008) ва забардаст адиб Тўлепберган Қаипбергановлар замонамизнинг ана шундай бахти кулган, истеъдодли ижодкорлари эди. Хусусан, Ибройим Юсупов битган халқчил сатрлар аллақачон қорақалпоқ ва ўзбек халқлари севиб ўқийдиган асарлар, китоблар бўлиб, кўнгил хазинасига айланган бўлса, Тўлепберган оға ёзган роман, қиссалар шу кунгача жаҳоннинг 90дан зиёд тилларига таржима қилинди, Ўзбекистонимиз довруғини чет элларда ҳам кўз-кўз қилди.

Анжуманда сўзга чиққан таниқли ижодкорлар — Ҳамиджон Ҳомидов, Ҳайдар Муҳаммад, Муҳаммадали Қўшмоқбой, Музаффар Аҳмад, университет ўқитувчилари — А.Узоқов, С.Ҳужамуродова ва бошқалар ижодкорларнинг асарларидаги ўзига хос хусусиятлар, уларнинг маънавиятимиз учун аҳамиятли бўлган қирралари ҳақида гапириб ўтдилар. Истеъдодли талаба ёшлар Ф.Матжонов, З.Умирова қуйлаган қўшиқлар, М. Расулова, З. Ҳасанова, Н. Абдуманнопова, У. Содиқова, Т.Арзимбетовалар ифодали ўқиган шеърлар тадбирнинг янада жонли ва қизиқарли ўтишини таъминлади.

Қаҳрамон ҚАЛАНДАРОВ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашининг ижтимоий-иқтисодий бўлими мудири **Баҳром МУСУРМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти Оқолтин тумани бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси **Анвар ЖАВЛОНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.